



ОПТИ БАКТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 23 МАРТДАН ЧИКА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 2 апрел, жума № 55 (1688)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Маҳаллаларда, тураржойларда ўз уйимизни ўзимиз асраш бўйича барча чораларни кўришимиз, бепарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймаслигимиз, дўсту душманни яхши таниб олишимиз керак

## ҲАЁТ ЎЗ МАРОМИДА ДАВОМ ЭТМОҚДА



Пойтахтимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари жаҳон жамоатчилиги, жумладан, оммавий ахборот воситалари вакиллариининг эътиборини тортди. Бу - табиий. Бироқ хориздаги айрим оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиздаги вазиятни бузиб кўрсатиш, воқеаларни аслидан бошқача талқин этиш ҳоллари ҳам учраб турибди. ЎзА мухбирлари пойтахтимиз кўча ва хиёбонларида, майдон ва бозорларида бўлиб, бу ерларда ҳаёт ўз маромида, одатдагидек давом этаётганига яна бир бор гувоҳ бўлишди. Бозорлар, дўконлар гавжум. Жамоат транспорти ҳар доимгидек қатъий тартиб асосида ишламоқда. Пойтахтимизни республикамизнинг барча ҳудудлари ва дунё билан боғлайдиган темир йўл ва ҳаво йўлларида поездлар ҳамда қудратли ҳаво кемалари одатдагидек қатнамоқда.

(ЎЗА)



## ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК!

### КАТЪИЙ ҚОРАЛАЙМАН

Уйлаб ўйимга етолмайман: она заминимизда ёвузликлар содир этган террорчилар ким ўзи? Ярамаслар келиб-келиб тинч аҳолини қон қақшатиш билан наҳотки иймонун эътиқоди мустаҳкам, иродали халқни, миллатни таҳликага солиш мумкин, деб ўйласа. Бир аёл, она сифатида яхши англайман, ғанимлар маккор, улар ҳаммаша пайт пойлайди. Қаерда ҳушёрлик бой берилса, ўша жойда бўшлиқ пайдо бўлади. Бу эса кимматга тушиши мумкинлигини ҳаммамиз яхши англаб турибмиз.

Шу кунларда Тинчлик нақадар улғунг неъмат эканлигини яна бир қарра ҳис қилдим. Бироқ, тинчлик учун курашмоқ керак. Икки галнинг бирида тинчлик, омонлик бўлсин, дейилгани билан мақсадга эришилмайди. Хар инсон ҳар сония оғоҳу хушёр бўлмоғи даркор. Боз устига уйдирмалар, майда ган-сўзларга ўрин бермай уларга вақтида зарба берайлик. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон телевидениеси орқали қиқини кўриб, сўзларини жон қулоғим билан тинглаб, республика ҳукумати эл-юрт тинчлиги, фарзандларимизнинг осуда ҳаёти учун барча чораларни кўраётганини ҳис қилиб, кўнглим таскин топди. Ҳамқишлоқларим ҳеч қандай таҳликага тушмасдан ўз иш жойида фидокорона меҳнат

қилмоқдалар. Бу йил пахтадан, ғалладан ҳар қачонгидан кўп ҳирмон кўтариш пайида бўлмоқдалар.

**Дилбар АКРОМОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси «Меҳр-шафқат» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими раиси

### ЁВУЗЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Жаҳон ҳайрат билан боқадиган Хиванинг асори атиқалари неча асрлардан буён боқий яшаб келмоқда. Бу ерга қадим ранжида қилган сайёҳлар халқимизнинг ақл заковатига қойил қолади. Ҳа, биз ўз Ватанимиз, буюк аждодларимиз, мустақиллик йилларида эришилган улғунг ишларимиз ютуқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак ярашади. Ҳаёт қизиқ экан, кимлардир кимларнинг гуллаб-яшашини, муваффақиятларини кўролмас экан. Аминманки, ёвуз террорчилар ортида ана шундай қора кучлар турибди.

Биз - кекса авлод вакиллари ўз бурчимизни адо этиб, маҳаллаларда, мактабларда бўлиб, ёшлар, турли соҳа кишилари билан мулоқотда бўлмоқдамиз. Ал-Хоразмий, Шайх Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Раҳимуд, Огаҳий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз каби улғунг зотлар вояга етган табарруқ элга муносиб бўлиш, истиқлолимизни кўз қорачигидек авайлаб-асрашга даъват этаямиз. Зеро, ҳозир юзага келган ва-

зиятда нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки жамоатчилик, маҳалла фаоллари турар-жой мавзеларида осойишталикни сақлаш учун бутун чора-тадбирлар билан ҳаракат қилмоқликлари даркор.

**Отамурод МАШАРИПОВ,**  
меҳнат фахрийси

### ХАЛҚ - ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

Мамлакатимизда рўй берган муҳим воқеалар муносабати билан пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги кўнгина маҳаллалар фаоллари ҳамда ёшлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Йиғилишда мазкур воқеалар юртимиз тинчлиги ва осойишталигини издан чиқариш мақсадида амалга оширилганлиги қайд этилди, улар ҳар бир юрдошимизни янада сергак ва огоҳ бўлишга чорлаши таъкидланди. Зеро, ҳар биримиз маҳаллада яшаймиз. Шундай экан унинг осойишталиги учун барчамиз масъулдимиз. Агар шу масъулятни чуқурроқ ҳис этсак, бу мамлакатимиз тинчлигини, халқимиз хотиржамлигини асрашга қўшган ҳиссамиз бўлади.

Давра суҳбати давомида иштирокчилар бўлиб ўтган воқеалар ва уларни амалга оширган қора ниятли кимсаларга нисбатан ўз муносабатларини билдирдилар.

**И. ЭҒАМКУЛОВ,**  
«Туркистон-пресс»

### ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

28-30 март кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган террорчилик ҳуружи муносабати билан Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашининг «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирокидаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

«Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Бокйбев бошқарган ушбу тадбирда мазкур муҳим воқеалар Ўзбекистонимиз мустақиллигини, захматқаш халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, қўлга киритилган ютуқларини кўролмайдиган қора, қабих ниятли кучлар томонидан амалга оширилгани, бундай ёвуз хатти-ҳаракатлар юртимизнинг барча фуқаролари қатори нуронийларни ҳам қаттиқ таъшишга солгани таъкидланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар диёримизда содир этилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралаб, халқимизни, айниқса, ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни янада кучайтириш, террорчилик ҳаракатларига қарши курашда Президентимиз Ислам Каримов атофиға маҳкам рақ жипслашиш зарурлигини қайд этдилар. Шундай масъулятни вазиятда барча ватандошларимиздан янада хушёр, зийрак ва огоҳ бўлиш талаб этилади. Мустиқлик берган буюк неъмат - юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**  
ЎЗА мухбири

## ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятида амалга оширилган қатор террорчилик ҳаракатлари оқибатида қўллаб одамлар қурбон бўлгани ҳақидаги хабар мени ларзага солди. Хитой ҳукумати, халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизга ҳамда Сиз орқали Ўзбекистон ҳукумати ва халқига, шунингдек, халқ бўлганларнинг оилалари ва азият чеқканларга чин юракдан ҳамдардлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

ХХР ҳукумати ҳар қандай шаклдаги терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ҳамда икки томонлама асосда ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида Ўзбекистон билан хавфсизлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга, юқоридаги «учта куч»га қарши мурасасиз кураш олиб боришга, минтақада тинчлик ва осойишталикни ҳамжихат бўлиб таъминлашга, минтақани ривожлантириш ва раванк топтириш учун қўлай муҳитни яратишга тайёрдир.

**Ху Цзиньтао,**  
Хитой Халқ Республикаси Раиси

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Мамлакатингиз ва халқингиз дучор бўлган фожиали портлашлар тўғрисидаги хабар мени жуда кучли ларзага солди. Бундай террорчилик ҳаракатлари чуқур ғазаб уйғотибди ва мен уларни қаттиқ қоралайман.

Япония ҳукумати ва япон халқининг вакили сифатида Ўзбекистон ҳукумати ва халқ бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик сўзларини изҳор этгани, омон қолганларга эса тезроқ соғайиб кетишларини тилайман.

**Джунъичиро КОИДЗУМИ,**  
Япония Бош вазири

### Бисмиллохир-рахмонир раҳим Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятидаги портлашлар натижасида бир неча Ўзбекистон фуқаросининг ҳалок ва ярдор бўлганлиги тўғрисидаги аңдуҳли хабар мени чуқур қайғуга солди.

Шубҳасиз, тинчлик ва хавфсизлик дунё мамлакатлари ривож ва тараққиёти учун биринчи галда лозим бўлган шартлардан бири бўлиб, тинчлик ва осойишталикка қарши қартилган ҳар қандай уриниш халқлар манфаатларига қарши қаратилган уринишдир.

Мен ҳар қандай зўравонлик ва террористик хатти-ҳаракатни қоралар эканман, ҳалок бўлганларнинг ақинлари ва қариндош-уруғларига сабр-бардош ҳамда халқ бўлганларга Аллоҳнинг раҳмати ва мағфиратини тилайман.

**Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,**  
Эрон Ислам Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари, Террорчилар портлатган бомбалар оқибатида инсонлар қурбон бўлгани ҳақидаги хабардан ниҳоятда ғазабланган ҳолда Австрия халқи ҳамда шаҳсан ўз номидан Сизга чуқур ҳамдардлик изҳор этганим.

Мазкур террорчилик ҳуружи терроризмга қарши курашда

халқаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда уни изчиллик билан олиб бориш, шунингдек, терроризмнинг ижтимоий ва социал сабабларини бартараф этиш зарурлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

**Томас КЛЕСТИЛЬ,**  
Австрия Республикаси Федерал Президенти

### Ислам конференцияси ташкилоти Бош котиби А.Балқазининг Ўзбекистонда сўнгги кунларда бўлиб ўтган қатор портлашларни қоралаши юзасидан матбуот баёни

Ислам конференцияси ташкилотининг Бош котиби доктор Абдулвоҳид Балқазиз Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент ва мамлакат жанубидаги Бухоро вилоятида охириги уч кун мобайнида содир этилган портлашлар натижасида 19 киши ҳалок бўлганлиги ва моддий зарарлар етказилганлиги юзасидан ҳамдардлигини билдирди.

Ушбу муносабат билан Бош котиб Ислам конференцияси ташкилотининг ҳар қандай ҳар ва зулм ҳамда террористик ҳаракатларга қарши мустаҳкам собит мавқени билдирган ҳолда, сиёсий ихтилофларни тинч йўллар билан ҳал қилишга қатъий равишда қайиради.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, 28-29 март кунлари Ўзбекистонда содир этилган ваҳшиётна террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳеч бир гуноҳсиз инсонлар ҳалок бўлиб, жароҳатландилар. Ўзбек халқи ҳалок доимий бирдамликни таъкидлай туриб, Сизга, ҳалок бўлганларнинг ҳамда азият чеқканларнинг қариндош-уруғлари ва ақинларига чин дилдан таъзия ва ҳамдардлик изҳор этганим.

Инсон қалбини ларзага солувчи муҳим ҳақиқат янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши, энг аввало, халқаро терроризмга қарши курашда Ҳамдустлик мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини янада бирлаштириш ниҳоятда зарурлигини таъкидлайман.

Самимий эҳтиром ила,  
**Ю.ЯРОВ,**  
Мустиқил Давлатлар Ҳамдустлиги Ижроия Кўмитаси Раиси, Ижрочни котиби

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари, Кейинги кунларда Ўзбекистон Республикасида содир бўлган террорчилик ҳаракатларининг фожиали оқибатлари тўғрисидаги хабар мени қаттиқ ларзага солди.

Таъжубларнинг қурбонлари бўлиши оилаларга ва уларнинг қариндош-уруғларига Польша Республикаси, поляк халқи ҳамда шаҳсан ўз номидан қайғу-алам ва чин юракдан ҳамдардлик сўзларини етказишигизни сўрайман. Ўзбекистон сингари Польша ҳам, Терроризмга қарши Халқаро Коалициянинг аъзоси сифатида, ҳозирги дунёда тинчлик ва барқарорлик учун энг қатта хавф-хатар бўлиши терроризмни қатъий қоралайди.

Терроризмга қарши ҳамда инсоният фаровонлигига эид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши курашда саботли ва қатъиятли эканлигимизни таъкидлашни истардим.  
**Александр КВАСЬНЕВСКИЙ,**  
Польша Республикаси Президенти

## ИСТИҚЛОЛИМИЗ ИМОРАТИ МУСТАҲКАМ

Юртимизда осойишта ҳаёт, тинчлик-хотиржамликнинг доимий бўлиши барча-барчанинг янада сергак, атрофимиздаги воқеаларга беварқ қарамай, фаолликни оширишига бевосита боғлиқдир. Шу интихон кезларида Истиқлолнинг тотли хавосидан баҳраманд бўлган ҳар бир инсон аввало, маҳалла оқсоқоллари, касаб-ба уюшма фаоллари ва ходимлари, табарруқ отахону онахонлар чин фуқаролик фаилатларини намойн қилмоқдалар. Истиқлолимиз иморати мустаҳкам. Бу улғунг неъматни кўз қорачигидек авайлаб-асрашга куч-қудратиниз еталади.

Юқоридаги сўзлар кунни-кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон касаб-ба уюшмалари Федерациясини Кенгаши Раёсати йиғилиши иштирокчиларининг дил сатрларидир. Анжуман катнашчилари, хусусан, Енгил, мебел санвати ва ком-

мунал-манший хизмати ходимлари касаб-ба уюшма Марказий кўмитаси раиси М.Ойилова, ЎзқуФК раисининг ўринбосари Э.Ўкубов, Тошкент шаҳар касаб-ба уюшмалари Кенгаши раиси М.Солиқов, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб-ба уюшма Марказий кўмитаси раиси О.Мухитдинова, Агросаноат мажмуи ходимлари касаб-ба уюшма Марказий кўмитаси раиси Ш.Эсонбоев, Ўзбекистон кишилик бизнес, матбуот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаб-ба уюшма Марказий Кенгаши раиси Н.Ғиёсов, «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари бош муҳаррири М.Қаюмов ва бошқалар террорчилар томонидан амалга оширилган ёвузликларни қатъий қораладилар. Касаб-ба уюшма ташкилотлари ва аъзоларига қарата йўлланган мактубда уларни ҳар он, ҳар сония оғоҳу хушёр бўлишга даъват этидилар.

Ярамас террор ўзининг муҳим ва қонли башарасини яна очик намойиш этди. Она заминимизда қабиллар томонидан амалга оширилган қонли ҳаракатлар натижасида тинч аҳоли, гўдақлар, кексалару аёллар жабрландилар. Ақл бовар қилмайдиган муҳим ишларни, унинг ортида турган инсон қиёфасидаги ваҳшийлар хатти-ҳаракатини қаттиқ туриб қоралаймиз.

Яхши биламизки, ярамаслар одамларимиз юрагига ғулғула солишга, уларнинг ҳур Ўзбекистонимизнинг келажигига бўлган ишончини йўқотиш, барча ҳавас қилаётган эзгу ишларимизга тўсиқ

бўлишга зўр бериб уринишмоқда. Уларга қарата айтадиган жавобимиз, гапимиз битта: хомтама бўлманг, ҳеч қачон шум ниятингизга етма олмайсиз. Ўзбекистон халқи, касаб-ба уюшмаларининг миллион-миллион аъзолари бир тану бир жон бўлиб ҳар қандай ёвузликка қарши муносиб зарба берадилар. Ҳеч қим, ҳеч қачон иродамизини буюқламайсиз.

Биз - касаб-ба уюшмалари вакиллари ўз инсоний ва виждоний бурчимизни адо этиб, ёвузлик оқибатида қурбон бўлганларнинг оилалари, фарзандларини қўлимиздан келганча мод-ҳиссамизни қўшайлик.

**Ўзбекистон касаб-ба уюшмалари Федерацияси**  
2004 йил 31 март

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

ТУНДА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН

Маннолжон ота арслондек жигаргўшаси энди ёнида йўқлигига сира кўнкулмасди. Арабжонни ҳар кунни кўздан ўтганини ўтган... У ўгли билан томирқада кетмонлаб ер чопишганини эсларкан, уни соғинганини пайкаб юрак бағри эзилди. Заврак кишлоғининг тўйлари усиз ўтмасди. Маҳалладошлари қатори топганини етим-есирлар, боқувчисини йўқотганлар билан баҳам қўради. Хашарларда эл билан биргаликда, кишлоқни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушларида қатнашарди.

Ота хотиралар оғушида соқолига томган ёшни артаркан, ўглининг ишонасидаги касбдошларини ўйлаб кетди. Шундай қилса, юрагидан фарзанд доғи босилгандек, енгил торгандек эди. Арабжоннинг ишонасидани зиёрат қилиб, ҳамкаслари билан дийдорлашсам, ўғлимни кўргандек бўлардим, деб кўнглидан ўтказди.

Андихон вилоят электр тармоқлари очик турдаги акциядорлик жамиятига касабакўмга раислик қилиб ўтган Арабжон Маннопов оиласини йўқлаш тadbирлари муҳокама қилинаётгандан ота кейинроқ хабар топди. Бошқарув раиси Аҳмаджон Қодиров билан касабакўм раиси Саҳобиддин Умрзоқовнинг бу борадаги режалари бир жойдан чиққанди. Негаки, жамоа шартномасининг шартлари ижтимоий-хотимасодий ҳимоялаш бобида корхонага меҳнати сингган нуронийларни йўқлаш, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, марҳумларнинг хонадонларидан хабар олишда иш берувчи билан касабакўмнинг ҳамкорлиги акс эттирилган. Қолаверса, Арабжоннинг отаси Маннолжон ака ҳам корхонада узок йиллар нурчи бўлиб ишлаганди.

... Кўча томонда машина эшикларининг очилиб-ёпилгани, одамларнинг гала-говури эшити-

ла бошлади. Ўғлининг вафоти билан ҳаёли қочган отага бу товушлар беғонадек эди. Кўп ўтмай марҳум яшаган ҳовли меҳмонлар билан гавжумлашди. Совға-саломлар билан кириб келган меҳмонларга кўзи тушгандагина ота нима гаплигини илғаб етди.

Меҳмонлар билан отанинг бағри тўлди. Бир пилла чой устида Маннолжон ота ўзини худди ўғли билан ёнма-ён тургандек бардам хис қиларди. Хайрлашув чоғида меҳмонлар хонадонга ёрдам пули қондордилар.

Шу кунги йўқловда Андихон шаҳар электр узатиш тармоғи бўлиғи Анваржон Юсуповнинг хонадони ҳам меҳр-мурувват зиёси билан чароғон бўлди. Касабакўм, маъмурият вакилларидан ташкил топган гуруҳ уни муборак 50 ёши билан қутлаб, унга жамоа номидан тўн ва дўппи кийдирди.

Ободлик кўнглидан бошланади. Жорий йилдаги «Наврўз» байрами кунини ишонада ўтказилган сумалак сайли шодиёнага айлана б кетди. 300 килограммлик сўким сўйилиб, ош дамланиб, дастурдон ёзилди. Маросим туридан нуронийлар, ишлаб чиқариш илғорлари жой олди. Кам таъминланган оилаларга касабакўм ва маъмуриятнинг кўшма қарори билан корхона ҳисобидан ун, гуруч, ёр таққатилди. Корхонага меҳ-

нати сингган 120 нафар собиқ нурчилар Самарқанд, Бухоро, Хоразм шаҳарларига бепул зиёратга борадиган бўлишди.

Ха, мазкур акциядорлик жамиятининг ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасидаги ибратли юмушлари талайгина. Бунда жамоа шартномасининг таъсири катта бўлапти. Унда 18 та бошланғич ташкилот, унга уюшган 1420 нафар касабга уюшма аъзоси ҳуқуқ ва манфаатлари мурб-жассамлашган. Иш ҳақи тўловларининг вақтида бажарилши, болали аёлларга қисқартирилган иш кунини жорий этиш, ходимларга хатарсиз, соғлом иш шaroитини яратиш, тунги сменада ишловчилар меҳнатини муҳофазалаш масалалари шулар жумласидандир.

Касабакўм томонидан шартнома мажбуриятларининг ижроси устидан назорат ўрнатилган. Бунга ҳаётий мисоллар кўп. Киш фаслида энергия истеъмоли сарфи кўпайиши, оқибатда қувват трансформаторларининг тез-тез ишдан чиқиши ҳаммага аён. Натижада таъмирлаш, созлаш юмушлари тунги сменада ҳам давом этади. Шу боис тунда ишловчилар учун бепул иссиқ овқат тайёрлаш йўлга қўйилган.

Ёз фаслида дам олиш кунларида корхона дарвозасидан чиқётган автобуслар карвонини вилоятнинг Ширмонбулоқ, Улугтоғ, Чилустун каби ҳушманзара масканларига йўл олади. Бу транспортлар ходимларни қисқа муддатли дам олишга олиб боради.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири



Ҳазорасп туманидаги «Унико» кўшма корхонаси фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ. У бундан бир йил аввал Германиялик тadbиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган эди. Шу қисқа вақт ичида бу



ми чет элга экспорт қилинмоқда. Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

ТАДБИРКОР ТАШАБУСИ БИЛАН

Навоий шаҳрида «Гипскартон» корхонаси иш бошлади. Тадбиркор Акмал Мамароҳимовнинг саъй-ҳаракати билан «Электрхим» кўшма корхонаси ҳиссадорлик жамиятининг бўшаб қолган эски биноси қайта таъмирланиб, гипсдан қартон ишлаб чиқариш линияси ўрнатилди. Унда кунига 500 донадан ортик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Хомашё Самарқанд вилоятидаги «Ингичка» қонидан олиб келинади.

«КАРВОН» МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Бухоро вилояти марказида 53 ўринли «Карвон» хусусий меҳмонхонаси ишга тушди. Тадбиркор И.Зойиров бу ишшоотни «Фаллаб»нинг вилоят бўлиминдан олинган 25 миллион сўм кредит ҳисобидан барпо этди. «Карвон» ишга тушиши билан қадим Бухородаги хусусий меҳмонхоналар сони йигирма тўққизга етди. (ЎзА)

Ислоҳот мевалари

КОРХОНАЛАР АКЦИЯЛАРИ УЛАРГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва ўрта тadbиркорлик субъектлари улуши 34,2 фоизга етди. Вилоятдаги корхоналарнинг элликдан ортиги хорижий сармоядорлар ҳамкорлигида вуждга келган.

Экспорт салоҳиятининг ортишида Шахрисабздаги «Оқсарой - Тўқимачи ЛТД» кўшма корхонасининг муносиб ҳиссаси бор. Чўки жорий йилнинг ўтган ойлари давомида мазкур жамоа хорижга 11 миллион 274 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот жўнатди.

«Садо» акциядорлик жамияти ҳамда Япониянинг «Мицубиси» компанияси ва Туркиянинг «Бурсел» фирмаси томонидан таъсис этилган кўшма корхонада 5040 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, чет элга 2917 тонна ип-калага ва 1687 тонна трикотах мато сотилди. 660 нафар киши меҳнат қилаётган мазкур кўшма корхона тўла қувват билан ишлаётганлиги даромад миқдорининг барқарор кўпайиши ва банкдан олинган кредит фоизларини ўз вақтида қайтариш имконини берапти.

Республика фонд бозоридан хусусийлаштирилган корхоналар акцияларига талаб ошаяпти. Вилоятдаги 36 та акциядорлик жамиятининг номинал қиймати 60,24 миллион сўмлик қимматли қоғозлари 157,96 миллион сўмга сотилди.

«Тошкент» фонд биржасида «Шахрисабзконсерва»нинг 25 фоизлик акциялар пакети Буюк Британиянинг «BERFAC LTD» компанияси томонидан харид қилинди. 8370 дона қимматли қоғоздан иборат пакетнинг умумий баҳоси 100 минг АҚШ долларига тўғри келди.

Акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозларини сотиш бўйича 55 та битим имзоланди. Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб маҳаллий сармоядорлар 3 миллиард 108 миллион сўм маблағ эвазига «Қашқадарёбалик» акциядорлик жамиятининг 25 фоиз акцияларини харид қилди. Жамиятнинг ҳар бир акцияси номинал қийматидан 14 баробар қиммат нарҳда сотилди.

Паррандачилик етти хазинанинг бири. Чироқчи туманидаги «Истиклол» акциядорлик жамиятининг 25 фоиз қимматли қоғозларини маҳаллий сармоядор 22,82 миллион сўмга сотиб олди. Битим пайтида ҳар бир акция 730,2 сўмга баҳоланди. Жамоада акциядорлар манфаатдорлигини ошириш, аҳолига кўп миқдорда парҳез гўшти ва туҳум

етказиб бериш дастури ишлаб чиқилди. Транспорт хизматлари кўрсатишга ихтисослашган «Чироқчи-105» жамиятининг 13,6 миллион сўмлик 3000 дона акцияларини харид қилган ишбилармонлар корхона фаолиятини ривожлантиришга киришдилар. Бундан ташқари «Косон-21», «Қарши-30», «Китоб-76», «Ихтисослашган автотранс» каби етакчи корхоналарнинг акцияларига ҳам талаб катта бўлди.

Вилоятда дон қабул қилувчи ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар кўп. Тармоқда фаолият юритаётган учта жамиятнинг акцияларини харид қилиш бўйича тегишли битимлар имзоланди. «Қаршинон», «Нишондонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятларининг 25 фоизли акциялари пакети сотилган бўлса, «Нур» корхонасининг 1713 дона қимматли қоғози учун инвестор 7 миллион сўм тўлади.

«Вилоят моддий техника таъминоти», «Косонпилла», «Шахрисабзтуманларарокиновидео», «Оқсарой» ва бошқа ҳиссадорлик жамиятларининг акцияларини сотиш бўйича битимлар имзоланганлиги сармоядорларнинг ислоҳотларда фаол иштирокини таъминламоқда.

Вилоятдаги кўшма корхоналар сони яна иккитага кўпайди. Шахрисабз туманида «Кеш-Уфаинвест» Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси ташкил этилди. Бошқарилган «Урал» савдо-саноат ишлаб чиқариш компанияси билан «Шахрисабзгўшт» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида тузилган янги жамоанинг Низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларидан иборат.

Яқин келажақда мазкур кўшма корхонада замонавий технологиялар асосида гўштини қайта ишлаш, қадоқлаш ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Тумандаги «Сардор» хусусий корхонаси билан ҳамкорликда тузилган «Ўзбошқо» Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси саноат чиқитини қайта ишлаш, ип-калага мато тўқиш, автомобил двигателига газ билан ишлаш ускуналарини ўрнатиш, савдо ва воситачилик билан шуғулланади.

Фуқароларда мулкдорлик ҳиссини тарбиялаш, акционерлик жамиятларида ҳақиқий корпоратив бошқарувни шакллантириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар самара бермоқда, - дейди биз билан суҳбатда вилоят давлат мулкчини бошқариш ва тadbиркорлиқни кўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Исмат Нусуров. - Натижада кейинги бир йил давомида воҳода кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари сони 9211 тага кўпайиб, 30 мингтага етди.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ТАШҲИСНИ КОМПЬЮТЕР ҚЎЯДИ

Урганчдаги 1-вилоят клиник касалхонаси диагностика бўлимида энг замонавий тиббий жиҳозлар ўрнатилди.

Спираль компьютер томографлари яширин кечаётган касалликларни аниқ ва тез аниқлаш ҳамда даволашнинг энг мақбул усулларини танлаш имконини беради. Улар ёрдамида бемор текширилгандан сўнг бор-йўғи бир неча дақиқа ўтиб монитор дисплейда ҳар қандай аъзо кесмасини кўриш ҳамда организмнинг умумий ҳолатини белгилаш мумкин.

- Бу ускуна ўз тузилишига кўра жуда мураккаб бўлиб, махсус тайёргарликни тақозо қилса-да, уни бошқариш осон, - дейди касалхона бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Б.Хусанов. - Бу ерда миқозларнинг ҳар қандай ташатилиқларига тўғри ташхис қўйиш мумкин.

Умумий қиймати 600 минг АҚШ долларига тенг ушбу ноёб ускуна Меҳр ва мурувват йили тadbирлари доирасида «Хоразмпахтасаноат» вилоят бирлашмаси маблағларига Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда «Ўзмарказимпекс» давлат акционерлик ташқи савдо компанияси кўмагида харид қилинди. Жиҳозини сотиб олиш учун ўтган йил охирида халқаро тендер ёълон қилинган бўлиб, уни тиббий ускуналар ишлаб чиқариш бўйича дунёда тан олинган етакчи компаниялардан бири - Япониянинг «Шимадзу» компанияси кўлга киритди.

(ЎзА)

ЖИЗЗАХ ОҲАГИ ЭКСПОРТГА

Бундан уч йил бурун «Стенфорд-капитал» Ўзбекистон-АҚШ кўшма корхонаси жамоаси Жиззах шаҳридаги «Оҳак» акциядорлик жамиятининг 52 фоиз акцияларини сотиб олган эди. Шундан кейин корхонада реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Бу ишлар учун 980 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Натижада ҳозирги кунда 240 тонна оҳак пиширилмоқда. Маҳсулот Олмалик кон-металлургия комбинати, «Зарафшон-Ньюмонт» кўшма корхонаси ҳамда вилоят савдо дўконларига етказиб бериляпти.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Жиззах оҳак заводи маҳсулотларига хориж давлатларидан ҳам буюртмалар туша бошлади. 2004 йилда Қозоғистон республикасига 10 минг тонна, Тожикистонга 8 минг тонна оҳак етказиб бериш мўлжалланган.

Айни чоғда бу ерда 150 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўртача ойлик маошлари 70 минг сўмни ташкил этапти.

- Инвесторлар маблағи эвазига қарийб 40 миллион сўмлик ободончилик ишлари амалга оширилди, - дейди корхона раҳбари Бахтиёр Соатов. - Шунингдек, жорий йилнинг 3-чорагида 2-оҳак пишириш печи ўрнатилиб, ишга туширилади. Натижада заводнинг бир кунлик иш қуввати 70 тоннага оширилади.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

МЕҲНАТ ЯРМАКАСИДА

Кегейли тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташкил этган ярмаркада эллик беш корхона ва ташкилот 133 буюш ўринларини тақлиф этди. Талабдорларнинг мутахассислиги, касбий маҳорати ўрганилди. Шу куннинг ўзида тўқсонга яқин киши меҳнат шартномасини имзолаб, ишга жойлашди.

З.РАҲИМОВА



Челак шаҳри Самарқанд кўчасида жойлашган «Алибобо» фермер хўжалиги қошидаги нон ва макарон ишлаб чиқариш цехида 11 нафар ишчи меҳнат қилади. Айни пайтда бир сменада 350-400 дона нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу жамоада ишчиларга барча қулайликлар яратилган. Ойлик маош ўртача ҳисобда 35 минг сўмни ташкил этади.

Суратларда: илгор ишчилар Абдурашул Равашов; Аҳмад Ҳайдаров.



Ф.ҲИДИРОВ олган суратлар

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Ҳуқуқий саводхонлик ҳақида бугун жуда кўп ва хўп гапирилмоқда. Жойларда шу мавзуда семинарлар, йиғинлар ўтказилмоқда, буларнинг барчаси ўз самарасини бермай қолмаяпти, албатта. Лекин афсуски, ҳамон тегишли қонун-қоидаларга бирқалама муносабатда бўлаётганлар ҳам учраб турибди. Улар орасида катта-кичик корхоналар раҳбарларининг ҳам борлиги ачинарлидир.

Зарбдор туман халқ таълими бўлими ҳамда марказий касалхонасида Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига нечоғлик риоя этилаётгани ўрганилганда, жиддий нуқсонлар борлиги аниқланди. Туман ХТБ мудирининг ўринбосари Анорбий Номозова жамоатчилик асосида кадрлар бўлими инспектори вазифаси ҳам юкланган. Бу ерда мудири томонидан чиқарилаётган буйруқлар пала-партиш тикиб борилади. Оқибатда турли чалқашликлар содир бўляпти.

Масалан, мудирининг 2003 йил 26 апрелдаги 36-сон 1-параграф билан чиқарилган буйруғи О.Мелибаева номли 3-ўрта мактаб директори М.Ишиева-ни вазифасидан озод этиш ҳақида бўлса, яна айнан шу кун 36-сон 1-параграф билан буйруғи билан Чўлпон номли 2-мак-

таб уқитувчиси О.Олимовга бир ойлик маош миқдоридан озод этиш ҳақида берилди.

«Шодлик-7» болалар боғчаси мудираси Анора Исмоилова 2002 йил 22 майдаги 46-буйруқ билан

мудир буйруққа имзо чекиб, уларнинг розилигисиз ўқитувчилик вазифасига ўтказган.

Бундан ташқари, туман ХТБ кутубхона фонди методисти Пўлат Алмоновга ҳайфсан, 3-мактаб раҳба-

нинг биринчи ярмида 37 нафар ўрта тиббиёт ходими ишга янги қабул қилинган бўлса-да, уларнинг аксариятига меҳнат дафтарчаси очилмаган.

Назоратсизлик туфайли «Буйруқлар дафтарининг айрим бетлари йиртиб олинган.

«Бахт» кишлоқ врачлик амбулатория фельдшери Назир Каримов 12 декабр кун ёзган аризасига биноан 2003 йил 17 январ кун ишдан бўшатирилган. Бу ҳол амалдаги қонунга зиддир. Устига-устак ходим буйруқ билан танишмаган. Ундан нусха олмаган.

